

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛИ  
СИФАТИДА ҲУҚУҚНИ ТАН ОЛИШ ТАЛАБИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
ТУЗИЛИШИ**

Судьялар олий мактаби

тингловчиси

Ш.Сафохонов

Ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги талабни тақдим этиш манфаатдор шахс томонидан низолашаётган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида ўз ҳуқуқини амалга оширишдир. Шу боис, ушбу талабни ҳисобга олиб "ҳимоя қилиш ҳуқуқи".тушунчасига тўхталмаслик мумкин эмас. Фикрмизча, "ҳимоя қилиш ҳуқуқи" тушунчаси "даъво қилиш ҳуқуқи" тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунчадир. Кўриб чиқиладиган тушунчалар доираси фақат фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш суд (даъво) тартибида амалга оширилган ҳолларда тўғри келади. Юқорида айтиб ўтилганидек, айнан шу тартибда ҳуқуқни тан олиш ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усули сифатида амалга оширилганлиги сабабли, даъвогарнинг судга ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъвони тақдим этиши ҳимоя қилиш ҳуқуқининг ҳам, даъво қилиш ҳуқуқининг ҳам мазмунидир. Кўриб чиқиладиган ҳимоя усулига нисбатан моддий маънода даъво қилиш ҳуқуқи суддан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг мавжудлиги (суд ҳимоясини амалга ошириш), процессуал маънода – даъво қўзғатиш ҳуқуқи (даъво қўзғатиш) масаласини ҳал қилишни талаб қилиш ҳуқуқидир. Даъво бериш ҳуқуқи қуйидаги шартлар асосида юзага келади: даъвогарнинг процессуал лаёқатга эга эканлиги, унинг даъво аризаси беришга ваколатлилиги; судга қўйилган даъвонинг юрисдикциясига мувофиқлиги, унинг суд томонидан кўриб чиқилишига йўл қўйилиши ва бошқалар.

Биз ҳуқуқни тан олиш талабини фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида кўриб чиқишни, уни тақдим этиш ва қаноатлантириш шартларини (фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида ҳуқуқни тан олишни қўллаш шартларини) аниқлашдан бошлаш мантиқий деб ҳисоблаймиз.). Даъво қилиш ҳуқуқи тушунчаси ҳақидаги саволни биринчи марта ўрганган немис цивилисти Ф.К.Савиньи фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳар қандай даъвони тақдим этишнинг зарурий шарти айтишга йўл қўйилиши ва бошқалар.



хукуқининг ўзи, унинг мавжудлиги эканлигини таъкидлади<sup>1</sup>. Шунга кўра, хукуқни тан олиш тўғрисидаги даъво ни қаноатлантиришнинг асосий шарти даъвогар томонидан ҳимоя қилиш учун тақдим этилган хукуққа эга эканлиги тўғрисида далилларни тақдим этишдир.

Мулк хукуқини ҳимоя қилиш ҳақида гапирадиган бўлсак, даъвогарнинг мулк хукуқига эга эканлигини тасдиқловчи далиллар, биринчи навбатда, шартнома (олди-сотди, ҳадя қилиш ва бошқалар), васиятнома, меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳнома хукуқни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Шахснинг интеллектуал мулк хукуқига эга эканлигига далил сифатида даъвогар хукуқ объектини (асарлар, компьютер дастурлари, маълумотлар базалари) яратганлигини тасдиқловчи мутахассислар, экспертлар хулосалари келтирилиши мумкин.

Фуқаролик хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳар қандай даъво ни қўллашнинг иккинчи мажбурий шарти сифатида бундай хукуқларнинг бузилиши шарти мавжуд бўлишидир. Ф.К.Савинь таъкидлаганидек, "... агар хукуқбузарлик бўлмаса, хукуқ ҳеч қачон махсус даъво шаклига айланмайди..."<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, айнан хукуқнинг бузилиши факти бундай хукуқни ҳимоя қилиш учун хукуқни бузган шахсга мажбурият юклаш тўғрисида даъво қўзғатиш заруратини келтириб чиқаради. Бироқ, бу шарт хукуқни ҳимоя қилиш усули сифатида тан олиш талаби қўйилган даъвога ҳам тааллуқлими? Масалан, бошқа шахсга нисбатан манфаатдор шахс томонидан рўйхатдан ўтказилган кўчмас мулкка эгаллик хукуқини тан олиш тўғрисидаги талабни тақдим этиш, шубҳасиз, бундай хукуқнинг бузилиши билан боғлиқ. Бундай ҳолда, даъвогар низоли мулк хукуқи объектдан фойдаланиш, эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ваколатларини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Шу билан бирга, кўпчилик цивилистлар судга даъво қилиш хукуқининг (ҳимоя қилиш хукуқи) пайдо бўлишини нафақат фуқаролик қонунчилигининг бузилиши, балки хукуққа нисбатан келтирилган эътироз билан ҳам боғлашади. Биз бу ҳақда юқорида Рим хусусий хукуқидаги даъволар хусусида сўз юритган вақтимизда айтиб ўтган эдик. Қонун нафақат бузилган фуқаролик хукуқини, балки низоли бўлиб турган хукуқларни ҳимоя қилиш имкониятини ҳам белгилайди. Ф.К.Савиньнинг қарашлари ҳам, аслида, худди шундай

<sup>1</sup> Савинь Ф.К. Система современного римского права. С. 325.

<sup>2</sup> Савинь Ф.К. Система современного римского права. С. 325.



позицияни эгаллайди. Унинг фикрича "... ҳуқуқбузарлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган турли хил шаклларда намоён бўлиши ёки ҳатто аниқ бўлмаган шаклда ҳам бўлиши мумкин. Зеро, қарама-қарши томон ё ҳуқуқни ёки ҳуқуқ бузилишининг мавжудлигини инкор этиши ёки бошқа бировнинг инкор этиб бўлмайдиган ҳуқуқига соф фактик тарзда тажовуз қилишга уриниши мумкин<sup>3</sup>. В.М.Гордоннинг таъкидлашича, ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъвонинг юзага келишига энг кенг тарқалган сабаб ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низо бўлиб, у нафақат ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги тўғрисида кўрсатилган шахслар ўртасидаги келишмовчилик ёки қарама-қаршилик сифатида белгиланиши балки улар орасида унинг мазмуни ҳақида ҳам келишмовчиликлар юзага келиши мумкин<sup>4</sup>.

Демак, хулоса қилишимиз мумкинки ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъволарни мажбурият юклаш тўғрисидаги даъволардан фарқи бу тоифадаги даъвода ҳуқуқнинг бузилиши уни тақдим этиш учун зарурий шарт ҳисобланмайди.

<sup>3</sup> Савинья Ф.К. Система современного римского права. С. 325-326.

<sup>4</sup> Гордон В. М. Иски о признании. С. 207-209

